VIII. ДЕМОГРАФИЯ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3928,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 51,3 минг кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони, *минг киши*

(2020 йил 1 октябрь ҳолатига,)

	Жами аҳоли сони	*шу жумладан:*		*жами аҳоли сонидан:*	
		эркаклар	*аёллар*	*шаҳар аҳолиси*	*қишлоқ аҳолиси*
Вилоят бўйича	**3928,7**	**1976,1**	**1952,6**	**1454,3**	**2474,4**
Самарқанд ш.	550,8	267,5	283,3	550,8	0,0
Каттақўрғон ш.	90,4	45,1	45,3	90,4	0,0
туманлар:					
Оқдарё	160,9	80,8	80,1	62,8	98,1
Булунғур	188,7	96,2	92,5	42,1	146,6
Жомбой	175,0	88,2	86,8	39,1	135,9
Иштихон	256,7	129,5	127,2	69,9	186,8
Каттақўрғон	275,4	139,7	135,7	52,6	222,8
Қўшработ	132,8	67,7	65,1	12,1	120,7
Пайариқ	253,1	131,1	122,0	73,1	180,0
Пастдарғом	358,2	179,5	178,7	92,8	265,4
Пахтачи	145,4	72,2	73,2	28,5	116,9
Самарқанд	255,2	129,0	126,2	15,6	239,6
Нарпай	214,7	109,3	105,4	64,6	150,1
Нуробод	151,8	76,3	75,5	17,5	134,3
Тойлоқ	203,8	102,5	101,3	24,8	179,0
Ургут	515,8	261,5	254,3	217,6	298,2

Доимий аҳоли сони, *минг киши*
(*2020 йил 1 октябрь ҳолатига)*

Аҳолининг табиий ҳаракати

(январь-сентябрь ойларида)

	киши			ҳар минг аҳолига, нисбатан	
	2019 й.	2020 й.[1)]	ўсиш, камайиш	2019 й.	2020 й.[1)]
Туғилганлар	73968	74385	417	25,8	25,5
Никоҳлар	23028	19834	-3194	8,0	6,8
Ажралишлар	2588	2058	-530	0,9	0,7

[1]*дастлабки маълумот*

Аҳолининг табиий ҳаракати, *киши*
(январь-сентябрь ойларида)



Туғилиш. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 74385 бола туғилган ва 2019 йилнинг шу даврига *(73968 бола туғилган)* нисбатан 417 тага камайди, туғилиш коэффициенти эса 25,5 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-сентябрида 28,8 промилле).

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Жомбой (28,5 дан 28,7 промиллега), Иштихон (26,7 дан 26,8 промиллега), Самарқанд (24,8 дан 25,8 промиллега), Нуробод (25,7 дан 25,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти



Никоҳ. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 19 834 киши никоҳи қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 6,8 промиллени ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиши Оқдарё (7,9 дан 6,6 промиллега), Булунғур (8,3 дан 8,1 промиллега), Жомбой (7,5 дан 6,8 промиллега), Иштихон (7,7 дан 7,2 промиллега), Қаттақўрғон (8,3 дан 6,1 промиллега), Қўшработ (8,7 дан 7,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти

(2020 йил январь-сентябрь)

Никоҳдан ажралишлар. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 2 058 киши никоҳдан ажралганлиги қайд этилган бўлиб, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,7 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиши Самарқанд (1,4 дан 1,3 промиллега) ва Каттақўрғон шаҳарларида (1,7 дан 1,3 промиллега), Оқдарё (0,9 дан 0,6 промиллега), Жомбой (0,9 дан 0,6 промиллега), Иштихон (0,7 дан 0,6 промиллега) ва Тойлоқ (0,7 дан 0,4 промиллега) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти

(2020 йил январь-сентябрь)

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3 554 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12 717 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 9 163 киши (2019 йилнинг шу даврида минус 4 144 киши)га тенг бўлди.

Аҳолининг миграция кўрсаткичлари, *киши*

(январь-сентябрь ойларида)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция салдоси	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
Вилоят бўйича	**6173**	**3554**	**10317**	**12717**	**-4144**	**-9163**
Самарқанд ш.	1748	743	1882	1887	-134	-1144
Каттақўрғон ш.	189	181	319	383	-130	-202
туманлар:						
Оқдарё	79	91	401	442	-322	-351
Булунғур	379	226	729	797	-350	-571
Жомбой	500	216	310	284	190	-68
Иштихон	300	162	606	1058	-306	-896
Каттақўрғон	240	245	924	1571	-684	-1326
Қўшработ	356	98	610	716	-254	-618
Пайариқ	211	144	904	1162	-693	-1018
Пастдарғом	237	140	503	582	-266	-442
Пахтачи	412	244	677	737	-265	-493
Самарқанд	626	466	609	533	17	-67
Нарпай	321	280	470	912	-149	-632
Нуробод	44	19	357	579	-313	-560
Тойлоқ	318	166	294	208	24	-42
Ургут	213	133	722	866	-509	-733

Энг катта минус қолдиқлар Каттақўрғон туман (минус 1326) ва Самарқанд шаҳар (минус 1144) кузатилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида бандликка кўмаклашиш марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 55 485 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат қилганларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳри (5 561 киши), Пайариқ (5 382 киши), Каттақўрғон (4 173 киши), Ургут (4 092 киши), Пахтачи (3 945 киши) ва Пастдарғом (3 937 киши) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар, *киши*